

Қаршиев А.Б., Исроилов Ш.Ю., Тохирова Ф.О.

Moodle тизимида ишлаш бўйича услубий кўрсатмалар

Самарқанд 2015 й

Қаршиев А.Б., Исроилов Ш.Ю., Тохирова Ф.О.

Moodle тизимида ишлаш бўйича услубий кўрсатмалар

Ушбу услубий кўрсатма ТАТУ Самарқанд филиалининг барча йўналиши
талабалари учун мўлжалланган

Самарқанд 2015 й

Moodle тизимида ишлаш бўйича услубий кўрсатмалар.- Услубий кўрсатма. – Самарқанд, ТАТУ Самарқанд филиали, 2015 й. – 34 б.

Moodle тизими таълим жараёнини бошқариш тизими бўлиб, ушбу услубий кўрсатмада *Moodle* тизими имкониятлари ёритиб берилган. Услубий кўрсатмада фойдаланивчиларни қайт этиш, курсларга ёзилиш, курс элементлари, курс элементларини бошқариш ҳақида кўрсатмалар келтирилган.

Тузувчилар:

Қаршиев А.Б.	ТАТУ Самарқанд филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти
Исроилов Ш.Ю.	ТАТУ Самарқанд филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси ассистенти
Тохирова Ф.О.	ТАТУ Самарқанд филиали “Компьютер инжиниринги” йўналиши 2- курс магистранти

Такризчилар:

Абдуллаев А.	СамДУ “Ахборотлаштириш технологиялари” кафедраси доценти
Кубаев С.Т.	ТАТУ Самарқанд филиали “Компьютер тизимлари” кафедраси доценти

Ушбу услубий кўрсатма “Ахборот технологиялари” кафедраси мажлисида кўриб чиқилган ва мақулланган(-январь, 2015 йил, - сонли баённома)

ТАТУ Самарқанд филиали, 2015 й.

Мундарижа

Кириш.....	5
Moodle ҳақида.....	5
Moodlening имкониятлари.....	6
Асосий терминлар изоҳи.....	8
Тизимга қўйилган талаблар.....	10
1. Ташқи кўриниш.....	10
Бош саҳифа.....	10
Фойдаланувчи интерфейси.....	11
2. Фойдаланувчини қайд этиш ёзуви.....	12
Қайд этиш.....	12
Қайд этиш ёзувини яратиш.....	12
Тизимга кириш.....	14
Фойдаланувчи профилини таҳрирлаш.....	15
Паролни алмаштириш ва қайта тиклаш.....	20
3. Курсни танлаш.....	20
Курсни қидириш.....	20
Курсга ёзилиш.....	21
Ўқишни тугатиш.....	22
4. Курс интерфейси.....	22
Навигация.....	22
Курс элементлари бўйича навигация.....	23
Курс формати.....	23
Асосий блоклар изоҳи.....	24
5. Курс билан ишлаш.....	25
Курсниг асосий мазмуни.....	25
Курс ресурслари.....	26
Курс элементлари.....	26
6. Хулоса.....	32
Кўп бериладиган саволлар.....	32

Кириш

- *Moodle* хақида
- *Moodle* имкониятлари
- Асосий терминлар обзори
- Тизимга қўйилган талаблар

Кириш

Шахсий компьютернинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳаммага янги имкониятлар очди. Ҳозирги вақтда олий таълимни замонавий ахборот технологияларисиз ривожлантириб бўлмайди. Бугунги кунда олий ўқув юртларида анъанавий ўқитиш шакли билан биргаликда масофавий ўқитиш тизими ҳам жорий қилинмоқда. Ўқитишнинг бу шакли талабаларга Интернет орқали таълим олишга имконият беради. Бундай ёндошув мулоқотнинг бир неча воситаларини биргаликда ишлатилиши туфайли анъанавий усулларнинг самарадорлиги ошади. Ахборот ресурсларидан ўқув жараёнида фойдаланиш ихтиёрий масофавий ўқитиш тизимининг асосий компонентларидан бири саналади. Мазмун ва шакл жиҳатдан юқори даражали ўқув материаллар мустақил таълим жараёнини рағбатлантириш ҳисобига ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқитишнинг масофавий шакли, биринчи навбатда, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзора алоқага таянади.

Ҳозирги вақтда кенг тарқалган масофавий таълимни бошқариш тизимларидан бири - *LMS Moodle (Модулярная Объектно-Ориентированная Динамическая Обучающая Среда)*.

***Moodle* хақида**

Moodle- бу мувафақият билан ишлатилаётган ва узлуксиз такомиллашиб бораётган лойиҳадир. Унинг асосчиси ва автори Ғарбий Австралялик Martin Dougiamasдир. У 23 йилдан зиёдроқ даврда таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари билан шуғулланган ва Интернет базасида масофавий курслар яратиш

имкониятини берадиган очик кодли дастурий тизимни яратиш бўйича диссертация ҳимоя қилган. Martin Dougiamas Moodle тизимини яратишни 1999 йилда бошлаган. Тизимнинг биринчи версияси 2002 йилнинг августида ишга туширилган эди. Шундан буён бу лойиҳа кенгайиб ва ривожланиб бормокда.

Moodle очик кодли (*Open Source*) дастурий таъминот сифатида *GNU Public License* билан тарқатилади. *Moodle* ўқитишни бошқариш тизимлари (*Learning Management System*) синфига тегишли бўлиб, кўпчиликнинг биргаликда фойдаланишига имкон берувчи *online* ўқув материалларни ишлаб чиқиш, бошқариш ва тарқатиш учун хизмат қилади. Ушбу ўқув материаллар визуал ўқув муҳитда ўрганиш кетма-кетмалигини сақлаган ҳолда яратилади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 193 мамлакатининг етакчи университетларида *Moodle* тизими асосида масофавий таълим ташкиллаштирилган. Программа 75 тилга, шу жумладан рус ва ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган. *Moodle* дастурий таъминоти билан ишлаётган таълим муассасаларининг Интернетдаги рус тилидаги сайтлари сони 250 тадан зиёд.

Moodle масофавий ўқитиш тизими (МЎТ) ўзида жамоа бўлиб ишлаш ва фаол ўқув муҳитини бирлаштирувчи ижтимоий конструктивизм педагогикасига биноан лойиҳалаштирилган.

***Moodle* имкониятлари**

Ўқитувчи *Moodle*дан фойдаланиб ўз курсини яратиши, уни матн, ёрдамчи файллар, презентациялар, сўровномалар ва бошқа хил шаклдаги материаллар билан тўлдириб бориш имкониятига эга. Курснинг ҳар бир модулидан сўнг оралиқ назорат тести ўтказилиши мумкин. Талабаларнинг топшириқларни бажариш натижаларига асосан ўқитувчи баҳолар қўйиши ва жавобларга изоҳлар бериши мумкин. Бошқача айтганда, *Moodleni* ўқув

материалиини яратиш ва ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида интерактив алоқани таъминлашга хизмат қиладиган бир марказ дейиш мумкин. Moodle ўқитувчига нафақат талабалар билан тескари алоқани самарали равишда ташкиллаштириш ва уларнинг билимини баҳолаш, балки маъруза материаллари ва амалий машғулотлар тузилмасини осонгина ўзгартириш учун воситалар тақдим этади.

Сайтни бошқариш

Сайт администратор томонидан бошқарилади. Сайтни ишга ҳозирлашнинг асосий характеристикалари уни компьютерга ўрнатиш жараёнида аниқ кўрсатилади. Кейинчалик сайтнинг ташқи кўриниши ва дастур версияси ўзгартирилиши мумкин. Шунингдек, қўшимча модуллар ва плагинлар ёрдамида сайтнинг имкониятларини кенгайтириш мумкин.

Ўқув жараёнининг барча қатнашчиларининг имкониятлари

- Курсда қатнашувчилар ўзлари учун қайд этиш ёзувларини яратишлари мумкин;
- Фойдаланувчи кейинчалик ўзи ҳақидаги маълумотларни (исму-шарифи, пароль ва бошқалар) ўзгартириши мумкин;
- Ҳар-бир фойдаланувчи ўзининг вақт зоналарини кўрсатиши мумкин бўлиб, улар тизимда ихтиёрий саналарни ёзишда ҳисобга олинади.
- Ҳар бир фойдаланувчига тизим интерфейси тилини танлаш имконияти берилган.

Ўқитувчилар имкониятлари

- ўқитувчи курс бўйича тўлиқ назорат воситаларига эга: ишга ҳозирлаш характеристикаларини ўзгартириш, курс мазмунини ўзгартириш, ўқитиш;

- Ҳар бир курс элементларнинг (ресурслар, форумлар, тестлар, топшириқлар, госсарий, сўровлар, анкеталар, чатлар, маърузалар, семинарлар, wi-ki, маълумот базалари, SCORM объектлар) турли хил наборларини ўз ичига олиши мумкин;
- Талабалар топшириқларни бажариб бўлгач, уларнинг барча баҳолари ягона журналга йиғилади ва бу журнал якунлаш ишларини бажариш, ҳар хил ҳисоботлар тузиш ва улардан фойдаланишнинг қулай механизмларига эга;
- Турли блокларнинг (календарь, янгиликлар, кутилаётган ҳодисалар ва бошқалар) мавжудлиги тизимнинг фаолият даражасини ва ундан фойдаланиш қулайлигини оширади;
- Курс қатнашчиларининг фаоллигини ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тизими мавжуд бўлиб, у ихтиёрий пайтда талаба фаоллиги ҳақида курс бўйича тўлиқ ва унинг қисмлари бўйича алоҳида маълумотларни олиш имконини беради;
- Электрон почта билан интеграллашув туфайли форум хабарларини тарқатиш, ўқитувчи изохларини бошқа хил ўқув материалларини талбаларга етказиш имкониятлари мавжуд.

Асосий терминлар изоҳи

Қайд этиш ёзуви (Account) – бу маълумотлар базасидаги ёзув бўлиб, фойдаланувчи ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ўз ичига олади: фамилияси, исми, логин, пароль, электрон почта манзили.

Роль (Role) – фойдаланувчининг Moodleдаги курсга ёзилиш пайтида унга берилган (таъминланган) ваколатлари набори:

- **Администратор (Administrator).** Moodle тизимни созлаш ва барча курслар бўйича тўлиқ имтиёзлар берилган фойдаланувчи;

- **Курс яратувчи** *Создатель курса (Course creator)*. Курс яратиш, ўқитувчи/ассистентлар тайинлаш, яширин курсларни кўра олиш ваколатларига эга фойдаланувчи;
- **Ўқитувчи** *Преподаватель (Teacher)*. Курс материалларини киритиш, тахрирлаш ва уни бошқариш (қатнашувчилар рўйхатини бошқариш, ишларни текшириш, баҳоларни қўйиш) ваколатларига эга фойдаланувчи;
- **Ассистент** *(Non-editing teacher)*. Фақат курс материалларини тахрирлаш ваколати берилмаган *Ўқитувчи*;
- **Студент** *(Student)*. Курсни ўрганиш имкониятлари берилган фойдаланувчи;
- **Меҳмон** *Гость (Guest)*. Курснинг баъзи материалларни фақатгина кўриш имкониятлари берилган, лекин улар билан ишлаш ваколатлари берилмаган фойдаланувчи.

Курсларнинг тоифаси *Категории курсов (Кафедры)*

Moodle тизимида курслар тоифалари дарахтсимон тузилмага эга.

Курс *(Предмет)* – Moodle тизимидаги ўқув мухити бўлиб, унинг таркибий элементлари ўқитувчилар ва ассистентлар, тингловчилар ва ўқув материалларидан иборат. Курслар *администратор* ёки *курс яратувчи* томонидан ўқитувчи ҳвмда ассистентлар тайинлаган ҳолда яратилади.

Модуль *(Module)* Moodle тизимининг дастурий кенгайтмаси бўлиб, янги фаолият турларини ҳосил қилишга мўлжалланган. Moodle тизимида *модуллارнинг* қуйидаги турлари мавжуд:

- курс элементи;
- топшириқ тури;
- савол тури;
- блок;
- филтр;

- курс формати;
- курс қатнашчилари.

Курс элементи *Элемент курс а (Activity module)* - курс таркибидаги интерактив ўқув модули.

Тизимга қўйиладиган талаблар.

Moodle тизимида ишлаш учун Internet-уланиш мавжуд бўлиши керак. Уланиш тезлигининг тавсия этилган миқдори: 512 Кбит/сек ва ундан юқори. Тавсия этилган операцион тизимлар: *Windows XP* ва унинг кейинги версиялари, *Macintosh*, *Linux*. Тавсия этилган браузерлар: *Chrome* ёки бошқалар: *Internet Explorer 6.0* ва унинг кейинги версиялари, *Mozilla Firefox*, *Opera*. Браузерлар настройкасида *Javascript* сценарийларининг бажарилишига рухсат этилиши зарур. Хужжатларни учун қўйидагилар зарур: *Adobe Reader* ёки унга ўхшаш бошқа восита, *MS Office* дастурлари (*Word*, *Excel*, *PowerPoint* ва бошқалар) ёки *Open Office* дастурлари. Мультимедиага алоқадор вазифаларни бажариш учун *QuickTime* ва *Flash player* дастурий воситалар зарур. Moodle тизимида фойдаланувчи ўзини қайд этиш учун электрон почта мавжуд бўлиши талаб этилади.

1. Ташиқи кўриниши

- Бош саҳифа
- Фойдаланувчи интерфейси

Бош саҳифа

Moodle масофавий ўқитиш тизимига кириш учун интернетга уланган компьютерда браузернинг манзил ёзиладиган сатрида <http://moodle.samtatu.uz> манзилни териш керак. Тизимга кириш билан унинг бош саҳифаси очилади. Сайт билан танишув унинг интерфейсини ўрганишдан бошланади.

Фойдаланувчи интерфейси

Moodle тизимининг интерфейси сайтнинг ташқи кўринишини белгилаш учун *администратор* томонидан танланган шаблон асосида шакллантирилиб, хусусан, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Сайтнинг тўлиқ номи
- Тил танлови
- *Курслар тоифаси* блоги
- Блок: *сайт янгиликлари*
- Блок: *Навигация*
- Блок: *Кириш*

Бош саҳифанинг интерфейси *администратор* томонидан мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин. Одатда, унинг юқори қисмида сайтнинг тўлиқ номи ёзилади. Ҳар бир фойдаланувчига интерфейс тилини танлашга имконият берилади.

Курс тоифалари блогида курсларнинг мавжуд тоифалар бўйича рўйхати берилади. Курсларнинг тоифаланиши тизим администратори томонидан бажарилади. Университетдаги барча курсларни кафедралар бўйича тоифалаш мақсадга мувофиқ. Тоифалаш курслар рўйхатини тақдим этиш шаклини керакли курс осонгина топиладиган қилиб танлашга имконият беради. Тингловчи ўзига керакли курсни қидириш сатридан фойдаланиб топиши ҳам мумкин.

Навигация блоги сайтнинг муҳим қисмларини тез топиш ва уларга тез ўтиш вазифасига хизмат қилади.

Сайт янгиликлари блоги турли хабарларни бирданига барча фойдаланувчиларга юбориш учун хизмат қилади. Янгиликларни сайтга жойлаштириш ҳуқуқи фақат администраторга, кўриб чиқиш ҳуқуқи эса барча фойдаланувчиларга берилган. Бош саҳифада биттадан ўнтагача янгилик жойлаштириш мумкин.

Кириш блоги қайд этилган фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун ишлатилади. Фойдаланувчини тизимга кириши учун унинг *қайд этиш ёзуви* шакллантирилган бўлиши керак.

2. Фойдаланувчининг қайд этиш ёзуви

- Қайд этиш
- Қайд этиш ёзувини яратиш
- Тизимга кириш
- Фойдаланувчи профилини тахрирлаш
- Паролни алмаштириш ва қайта тиклаш

Қайд этиш

Moodle тизимида биринчи бор киришда қайд этиш процедураларини бажариш тавсия этилади, чунки қайд қилинмаган фойдаланувчиларнинг тизимда ишлаш имкониятлари чекланган бўлади. Уларга бош саҳифада берилган маълумотларни кўриш ва меҳмон фойдаланувчиларга рухсат этилган ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Меҳмонларга очик курсларни белгилаш учун уларнинг номини ёзишда махсус белги қўйилади. Сайтга кириш ва ундан фойдаланишда кенг имкониятларга эга бўлиш учун фойдаланувчи ўзини тизимда қайд этиши зарур.

Қайд этиш ёзувини яратиш

Қайд этиш жараёни икки босқичдан иборат. Биринчиси – қайд этишнинг ўзи бўлса, иккинчиси - қайд этилганликни тасдиқлашдир. Фойдаланувчи қайд этилганини тизим тасдиқлагандан кейингина у ўз номи ва пароли билан тизимга кириши мумкин.


Қайд этиш жараёнида фойдаланувчининг *қайд этиш ёзуви* яратилади. Бу – фойдаланувчи томонидан компьютер тизимига ўзи ҳақида бериладиган маълумотлардан иборат ёзувдир. Сайтда қайд этиш учун бош саҳифанинг ўнг қисмида жойлашган *Кириш* ойнасидаги *Қайд этиш ёзувини яратиш* сичқонча орқали босилади. Натижада сўровномадан иборат саҳифа пайдо бўлади. Сўровноманинг тўлдирилиши шарт бўлган майдонларига маълумот киритилгач *Сақлаш* тугмаси босилади. Логин ва пароль латин символлари ва/ёки рақамлардан иборат бўлиши керак. Логин сифатида талабанинг рейтинг дафтарчаси номерини киритиш ва исм, фамилия ва шаҳар номларини кирилл символлари билан ёзиш тавсия этилади. Электрон почта манзили ягона бўлиши ва такрорланмаслиги керак. Бир электрон манзилни бир неча фойдаланувчилар биргаликда ишлатиши мумкин эмас.

Тўғри тўлдирилган сўровнома сақланганидан сўнг тизим қайд этишни тасдиқловчи хат кўрсатилган электрон манзилга юборилганлигини хабар

беради. Фойдаланувчи электрон почтасини очиб, манзил ўзи анкетани тўлдиришда кўрсатган электрон почта манзили билан мос эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Қайд этишни тасдиқловчи хат бироз кечикиб келиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Агар электрон манзил тўғри кўрсатилган ва хат келиб тушиши билан боғлиқ муаммолар бўлмаса, 5-10 минут ичида Moodle администраторидан “**?????подтверждение аккаунта**” мавзу билан юборилган хат келиб тушиши керак. Хатни очиб, унда кўрсатилган манзилга ўтиш зарур. Қайд этиш тасдиқланиши билан «Регистрация подтверждена» саҳифа пайдо бўлади.

Тизимга кириш

Қайд этиш бажарилгандан кейин фойдаланувчи сайтга ҳар сафар кирганида “*Кириш (Вход)*” ойнасида ўз логин ва паролени териб идентификациядан ўтиши керак. Шундан сўнг сайтнинг бош саҳифасининг “*Навигация*” блогида фойдаланувчи янги имкониятлар очилади.



«*Менинг профилим (Мой профиль)*» бўлимида фойдаланувчи ўз профили ҳақида маълумотларни, форум хабарларини, шахсан ўзига юборилган хабарларни, ёзишмалар тарихини ва бошқа хил маълумотларни кўриши мумкин.

“Менинг курсларим (Мои курсы)” бўлими фойдаланувчи аъзо бўлган курсни тез топиб олишга имкон беради. Бунинг учун “Мои курсы” кўрсаткичига сичқонча тугмаси билан босилса, тизим фойдаланувчи аъзо бўлган барча курслар рўйхатини чиқариб беради.

«Хабарлар (Сообщения)» блогда фойдаланувчи келиб тушган хабарларни кўриши ёки ўзи бошқа фойдаланувчиларга электрон хабарлар юбориши мумкин. Moodlенинг бошқа фойдаланувчилари билан алоқа ўрнатиш учун фойдаланувчи “Менинг ҳамсуҳбатларим (Мои собеседники)” номли рўйхат шакллантириб олиши мумкин. Бундай рўйхатни яратиш учун «Фойдаланувчилар ва хабарларни қидириш (Поиск пользователей и сообщений)» ойначаси орқали фойдаланувчи ўзига керакли исм ва/ёки фамилияни ёки бирон бир жумлани ёзади. Шундан сўнг тизим киритилган исму фамилияли фойдаланувчилар ёки таркибида киритилган жумла учрайдиган хабарлар рўйхатини чиқаради. Топилган фойдаланувчини фойдаланувчини рўйхатга киритиш учун унинг номи ёзуви устига сичқонча тугмасини бир босиб, пайдо бўлган “Ҳамсуҳбат киритиш (Добавить собеседника)” ойнасидаги кўрсаткичга босиш керак. “Кенгайтирилган (Расширенный)” номли банд билан керакли параметрларни (опциялар) ўзгартириш мумкин.

Фойдаланувчи профилини таҳрирлаш (Редактирование профиля пользователя).

Фойдаланувчи ўз қайд этиш ёзувини муваффақиятли равишда ташкиллаштириб тизимга киргандан сўнг, сайт бош саҳифасининг юқори ўнг қисмида унинг номи *гиперссылка* сифатида ёзилган бўлади. Ушбу гиперссылка фаоллаштирилса, фойдаланувчининг профили ва қайд этиш ёзуви акс эттирилган ойна пайдо бўлади. Ёзувларни таҳрирлаш учун «Маълумотларни таҳрирлаш (Редактировать информацию)» номли бандда «Настройки->Настройки моего профиля» блокни сичқонча тугмаси билан босиш керак. Қайд этиш ёзувининг майдонларининг бир қисми *мажбурий* ва

бир қисми *мажбурий эмас* турда бўлади. Ёзув яратилаётганда фойдаланувчидан мажбурий майдонларни албатта тўлдириш сўралади. Ҳар икки хил майдонларни қайд этиш ёзувини таҳрирлаш пайтида ўзгартириш мумкин. Фойдаланувчига қайд этиш ёзувининг қўшимча параметрларини ҳам ўзгартириш имкониятлари берилган. Профил параметрларини таҳрирлашнинг кенгайтирилган режимига ўтиш учун “*Қўшимчаларни кўрсатиш (Показать дополнительные)*” тугмасига босилади.

Қайд этиш ёзувининг мажбурий майдонлари ва асосий параметрларини кўриб чиқамиз.

- **Исм, фамилия (Имя, фамилия).** Бу маълумотлар фойдаланувчини курсга ёзилишда, назорат ишини ёки тест топширишда ва бошқа хил фаолиятда тизим томонидан танилиши учун хизмат қилади.
- **E-mail.** Фойдаланувчининг электрон почта манзили. Тизимнинг ва сайтнинг бошқа фойдаланувчиларининг фойдаланувчига йўлланган хабарлари айнан шу манзилга юборилади.
- **E-mailни кўрсатиш. Показывать e-mail.** Бу параметр фойдаланувчи электрон почта манзили бошқаларга кўриниши ёки кўринмаслигини белгилайди. “*Ҳаммага (Всем)*” тугмаси орқали барча бошқа фойдаланувчиларга (шу жумладан, меҳмонларга ҳам) кўринишга ёки

“*Фақат бошқа тингловчиларга (Только другим слушателям)*” тугмаси орқали фақат ҳамкурс фойдаланувчиларга кўринишга рухсат берилиши мумкин. Ёки “*Менинг e-mailимни кўрсатмаслик. (Не показывать мой e-mail)*” тугмаси орқали кўринишни таъқиқлаш мумкин.

- **E-mail фаоллаштирилган. (E-mail активирован).** Фойдаланувчининг электрон манзили сайтдан унга электрон хабарлар юбориш учун очиқ ёки ёпиқлигини билдирувчи параметр.
- **Формат e-mail.** Бу параметр фойдаланувчига юборилаётган хабарлар форматини белгилайди. «*HTML-формат*» танланса, хабарлар фаол гиперссылкалар ва форматлашнинг турли элементлари (ранглар, рамкалар, шрифтлар ва бошқалар) билан биргаликда HTML форматда юборилади. «*Текст*» - тугмаси эса хабар оддий матн шаклида гиперссылкаларсиз юборилишини билдиради.
- **Форумга ёзилиш. (Автоподписка на форум).** Фойдаланувчи электрон манзилига форумлардан хабарларнинг нусхалари келиб туриши мумкин/мумкин эмас ҳолатини белгиловчи параметр. Агар «*Да*» танланса, фойдаланувчи ҳеч бўлмаганда битта хабар юборган форумдан барча янги хабарларнинг нусхалари келиб тушаверади. Бундан англанадики, фойдаланувчи форумга битта хабар юбориши билан унга автоматик тарзда ёзилган бўлади.
- **Форумларни кузатиб бориш. (Слежение за форумами).** Агар бу танланган бўлса, фойдаланувчи форумлардаги ўқилмаган хабарларни кўриб бориши мумкин.
- **Матнни таҳрирлаш вақтида. (Во время редактирования текста).** Бу параметр матнлар учун *RichText Editor* визуал таҳрирлаш дастурини ишлатиш ёки стандарт веб-шакллардан фойдаланиш мумкинлигини билдиради. Агар «*Использовать Richtext HTML-редактор*» танланган бўлса, фойдаланувчи ўз матнларининг *RichText Editor* дастури орқали форматлаши мумкин бўлади. Бундай форматлаш *Internet Explorer*нинг 6.0 ва ундан юқори версиялари ҳамда *Mozilla*

Firefoxнинг 2.0 ва ундан юқори версияларидан фойдаланаётган холларда мумкин. Агар фойдаланувчи ишлатаётган браузер матнларни *html*-редактор орқали форматлашга имкон бермаса, у холда «Использовать стандартные web-формы» танлангани маъқул.

- **AJAX и Javascript.** Бу опсия *AJAX* и *Javascript*нинг қўшимча имкониятларидан фойдаланиш мумкинлигини билдиради.
- **Шаҳар, мамлакат. (Город, страна.)** Бу майдонларда фойдаланувчи шаҳар ва мамлакатнинг номи берилади.
- **Вақт зонаси. (Временная зона.)** Бу опсияда кўрсатилган параметрлар фойдаланувчининг топшириқларни бажариш, тест топшириш ва бошқа хил фаолиятига курс раҳбари (ўқитувчи) белгилаган муддатларни фойдаланувчи жойлашган вақт зонасига ўтказиш учун ишлатилади. Бу ерда интерфейс тили қайси тил бўлса, ўша тилдан фойдаланган маъқул.
- **Тавсифнома. (Описание.)** Бу ерда фойдаланувчи ўзи ҳақида унчалик катта бўлмаган матн орқали маълумот бериши мумкин. Масалан, фойдаланувчининг маълумоти, мутахассислиги, хобби, касби ва бошқа хил маълумотлар.

Қайд этиш ёзувининг юқорида изох берилган асосий параметрларидан ташқари фойдаланувчи қуйида кўрсатилган мажбурий бўлмаган майдонларни ҳам тўлдириши мумкин.

The screenshot shows a registration form with the following sections:

- Interests:** A text input field with a placeholder "Qiziqishlar ro'ynab" and a hint "Enter tags separated by commas".
- Ushbu shart emas:** A section containing several optional input fields:
 - Veb-sahifa
 - ICQ nomeri (raqami)
 - Skype ID
 - Aim ID
 - Yahoo ID
 - MSN ID
 - Individual raqam (nomeri)
 - Idora (muassasa) (Tashkilot)
 - Botun
 - Telefon
 - Mobil telefon
 - Manzil
- Create user:** A button at the bottom left.
- Обязательные для заполнения поля в этой форме помечены *:** A note at the bottom right indicating that fields marked with an asterisk are mandatory.

- **Жорий расм. (Текущая картинка.)** Бу ерда фойдаланувчининг ҳозирги пайтдаги расми жойлаштирилади. «*Йўқотиш (Удалить)*» майдонига байроқча қўйиб, жорий расмни олиб ташлаш мумкин. Фойдаланувчи ўз расмини сайтга жойлаштирмаган бўлса, расм жойида «*Бўш (Пусто)*» ёзуви туради.
- **Фотография (Максимал ўлчов: 128Мбайт).** Фойдаланувчи ўз фотографиясини ўз компютеридан серверга юклаб қўйиши мумкин. Фотография форумларнинг хабарларида ва фойдаланувчининг қайд этиш ёзувида ишлатилади. У *JPG* ёки *PNG* форматида бўлиши керак. Фотография файлини серверга юклаш учун фойдаланувчи «*Обзор*» тугмасини босиб, ўз компютеридан фотография файлини танлаши керак.
- **Web-саҳифа. (Web-страница.)** Фойдаланувчининг шахсий саҳифаси ёки сайти.
- **Номер ICQ.** Фойдаланувчининг *ICQ*-номери унинг профилида барча фойдаланувчиларга кўриниб туради.
- **Skype ID/ AIM ID/ Yahoo ID/ MSN ID.** Фойдаланувчининг *Skype/AIM/ Yahoo/ MSN* тизимидаги шахсий идентификатори унинг профилида барча фойдаланувчиларга кўриниб туради.
- **Шахсий номер. /Муассаса ёки ташкилот /Бўлим /Телефон /Манзил (Индивидуальный номер/ Учреждение (организация)/ Отдел/ Телефон/ Мобильный телефон/ Адрес.)** Фойдаланувчи бу майдонларга ўз маълумотларини киритиши мумкин.

Паролни алмаштириш ва қайта тиклаш. (Смена и восстановление пароля).

Moodle фойдаланувчиси ихтиёрий пайтда ўз паролини ўзгартириши мумкин. Бунинг учун у ўз қайд этиш ёзувини очиб, «*Паролни ўзгартириш (Изменить пароль)*» тугмасини босиши ва кейин тегишли майдонларда

жорий ва янги паролларни териши керак. Сўнгра «Сақлаш(Сохранить)» тугмаси босилади. Эски парол тўғри киритилган ва янги парол хатосиз терилган бўлса, фойдаланувчи сайтга кейинги киришларида янги паролни ишлатиши керак. Агар фойдаланувчи ўз паролини унутиб қўйса, уни логин орқали ёки электрон почта манзили орқали тиклаб олиши мумкин. Янги парол почтага юборилади.

3. Курс танлови

- *Курсни қидириш (Поиск курса)*
- *Курсга ёзилиш (Запись на курс)*
- *Ўқишни тугатиш (Завершение обучения)*

Фойдаланувчи Moodle тизимида қайд этилганидан сўнг мавжуд ихтиёрий курснинг тингловчиси бўлиши мумкин. Тегишли ҳуқуқларга эга тингловчилар курсга ёзилиши ва у билан иш олиб бориши мумкин, яъни ўқув материалларини ўрганиш, муҳокамаларда қатнашиш, тест синовларини топшириш, топшириқларни бажариш каби фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Курсни қидириш (Поиск курса).

Курслар тоифалар ва қисмий тоифалар бўйича турларга бўлинади. Одатда, тоифа сифатида курсни ўқитишга масъул кафедра ёки факультет номи олинади. Бош саҳифанинг “*Курслар тоифалари (Категории курсов)*” номли бўлимида курсларнинг мавжуд тоифалари номлари рўйхати берилади. Дастлаб керакли тоифа танланади ва унга тегишли курслар рўйхатидан фойдаланувчини қизиқтираётган курс танланади. Бундан ташқари, курсни калит сўз орқали қидириш формасидан фойдаланиб топиш ҳам мумкин.

Курсга ёзилиш. (Запись на курс).

Ўқитувчи ўз курсларини ишга созлаётган пайтда тингловчиларнинг курсга ёзилиш усулини танлаб олади. Тингловчи курсга биринчи бор кираётганида қуйидаги хабарларни кўриши мумкин:

- “Сиз ушбу курсга аъзо сифатида ёзилмоқчи бўляпсиз? Шунга ишончингиз комил-ми?” (*«Вы собираетесь записать себя участником этого курса. Вы уверены, что хотите это сделать?»*)
- “Фойдаланувчи курсга ўзи ёзила олмайди” (*«Курс недоступен для самозаписи.»*)
- “Ушбу курс ‘код-сўз’ киритишни талаб этади. Уни ўқитувчидан олиш зарур.” (*«Этот курс требует ввода 'кодового слова' - одноразового пароля, который Вы должны были получить от учителя»*)

Курсга фойдаланувчининг ўзи ёзилиши мумкин. (Курс доступен для самозаписи.) Сайтда қайд этилган ихтиёрий фойдаланувчи хоҳлаган пайтда мустақил равишда ўзи курсга ёзилиши мумкин. Ўқитувчи ёзилишга рухсат берилган муддатни белгилаб қўйиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда, тингловчилар фақатгина белгиланган муддат ичида мустақил равишда ўзлари ёзилиши мумкин.

“Фойдаланувчи курсга ўзи ёзила олмайди” (Курс недоступен для самозаписи.) Бундай ҳолда курсга тингловчиларни ўқитувчининг ўзи ёзиб қўйади.

Код-сўз. Ўқитувчи ўз курси учун код-сўз ўрнатиб қўйиши мумкин. Бу бегоналарнинг курсга киришини чегаралаш учун хизмат қилади. Одатда, ўқитувчи ўз тингловчиларига код-сўзни дарсда эълон қилади ёки электрон почта орқали юборади. Тингловчи курсга биринчи бор кираётганида код-сўзни киритиши зарур.

Ўқишни тугатиш (Завершение обучения)

Курсни ўқиш даври уни созлаётганда берилади. Курс бўйича ўқишни тугатиш санасини ўқитувчи белгилаб қўйади. Бу санадан сўнг курсга кириш мумкин бўлмайди. Тизимда тингловчиларга курс бўйича ўқиш муддати тугаганлиги ҳақида электрон хабар юбориш имконияти бор. Ўқитувчи зарурий ҳолларда тингловчини курсдан четлаштириш ҳукукига эга. Бундан ташқари, *админстртор* томонидан белгиланган муддатда тингловчи курсга акали бир марта кирмаса, у автоматик тарзда курсдан четлатилади.

4. Курс интерфейси

- *Навигация*
- *Курс формати*
- *Асосий блокларга изоҳ. (Обзор основных блоков)*

Навигация

Сайт логотипи тагида жорий саҳифанинг сайт иерархик схемасидаги жойини кўрсатиб турадиган навигация панели жойлашади. Навигация панелидаги саҳифалар номлари йўналтирувчи маълумот (*ссылкалар*) сифатида жойлаштирилган бўлиб, улар ёрдамида сичқонча орқали керакли саҳифага тез ўтиш мумкин.

Курс элементлари бўйича навигация.

Тингловчи курс билан ишлаётганда *курс элементлари бўйича навигация* панели ёрдамида аввлги ёки кейинги элементга тез ўтиши ёки менюдан керакли элементни танлаши мумкин.

Агар фақат топшириқлар рўйхатини чиқариш зарур бўлса, *Курс элементлари* блогидаги “*Топшириқлар (Задания)*” ссилкаси бўйича

ўтилади ва тизим ушбу курсда мавжуд барча топшириқларни чиқариб беради.

Курс формати

Moodle тизимида ўқув курси ўқитувчи томонидан курсни ишга созлаш пайтида ақинланган форматда тақдим этилади. Қуйидаги форматлар мавжуд:

- *SCORM*
- Туркумлар бўйича бўлимлар (*Разделы по сообществам*)
- Мавзулар бўйича бўлимлар
- Ҳафталар бўйича бўлимлар

SCORM — ўқув маттериалини ташкиллаштириш стандарти бўлиб, у ўқув материали блоклари ва талабанинг баҳолари ҳақидаги маълумотларни *Moodle*га узатиб турувчи JavaScript коддан иборат.

Туркумлар бўйича бўлимлар (Разделы по сообществам) — бу курсни бир катта форум сифатида ташкиллаштиришдир. Бу формат курсни норасмий (эркин тингловчи сифатида) ўрганишга хизмат қилиши мумкин.

Мавзулар бўйича бўлимлар. Бу форматда курс бир неча алоҳида бўлимларга (мавзуларга) бўлинади. Мавзулар сонини ўқитувчи аниқлайди. Ҳар бир мавзу турли ресурслар ва фаол элементлар билан тўлдирилади.

Ҳафталар бўйича бўлимлар. Бу форматда курс ўқиш бошланиш ва тугаш муддатлари қатъий белгилаб қўйилган ҳолда ҳафталар бўйича ташкиллаштирилади. Курсдаги жорий ўқув ҳафтаси рангдор ёзув билан ажратилган бўлади.

Асосий блокларга изоҳ. (Обзор основных блоков).

Moodlенинг ўқитувчилар ва тингловчиларга курс билан фаол иш олиб боришга имконият яратадиган барча функционал элементлари алоҳида

блокларга бўлинган. Блокларни тегишли тарзда танлаб ва жамлаб, ўқитувчи муайян курс фазосини (ўқув мухитини) ўз хоҳишича ташкиллаштириши мумкин. Шунинг учун блокларнинг сони ва тартиби турли курсларда турлича бўлиши мумкин. Блоклар чапда ёки ўнгда жойлашиши мумкин.

Блок: Календарь. Календарда курснинг автоматик тарзда ёки қўлда яратилган ҳодисалари (топшириқларни бажариш, тест топшириш муддатлари ва ҳ.к.) тасвирланади. Жорий сана ҳамма вақт рамка ичида ажратиб кўрсатилади. Умумий ҳодисалар яшил, курс ҳодисалари қизил, гуруҳ ҳодисалари сарик, фойдаланувчи ҳодисалари кўк ранг билан белгиланади. Календар менюсига кириш учун ой номи босилади. Очилган саҳифада фойдаланувчи қуйидаги ишларни бажариши мумкин:

- Календарнинг настройкасини (созлаш параметрларини) ўзгартириш;
- Турли туркумдаги (умумий, гуруҳ, курс, фойдаланувчи) ҳодисалар тасвирини кўрсатиш ёки яшириб қўйиш;
- Ҳар бир ҳодиса бўйича батафсил маълумот олиш;
- Янги ҳодиса қўшиш.

Блок: Курс элементлари. Бу блокда ушбу курсда мавжуд элементлар (маърузалар, топшириқлар, ресурслар, тестлар, форумлар ва ҳ.к.) рўйхати берилади.

Блок: Настройкалар. Бу блок фойдаланувчи ҳақида маълумотларни сақлайди. Тингловчи ушбу блок орқали ўз ининг турли босқичлардаги (оралиқ, якуний ёки бошқа) баҳоларини кўриб олиши мумкин.

Блок: Одамлар Ушбу курснинг барча қатнашчилари (ўқитувчилар ва тингловчилар) рўйхатини сақлайди.

Блок: Охирги янгиликлар ушбу курс янгиликлари бўйича форумнинг охирги мавзулари рўйхатини ўзида сақлайди.

Блок: Охирги иш-ҳаракатлар форумларнинг фойдаланувчи учун янги хабарларини, ҳозир ишлаб турган чатлар ва уларнинг катнашчилари рўйхати, курс элементларидаги ўзгаришлар рўйхатини ўзида сақлайди.

Блок: навбатдаги ҳодисалар курснинг яқин вақт ичида рўй берадиган ҳодисалар рўйхатини ўзида сақлайди.

Блок: Меню кундалик-блок вазифасини ўтайди ва фойдаланувчи турли хил маълумотларни киритиб бориши мумкин.

5. Курс билан ишлаш

- Курснинг асосий мазмуни
- Курснинг ресурслари
- Курс элементлари

Курснинг асосий мазмуни.

Курснинг асосий мазмуни бўлимларга (мавзуларга) бўлинган. Курс бўлими ўқув курсининг бир бўлаги (фрагменти) бўлиб, у ўз номига эга ва ресурслар ҳамда курс элементларидан иборат. Курс нол бўлим ва мавзулар бўйича бўлимлардан таркиб топган бўлади. Нол бўлим, одатда, курс доирасида умумий бўлган ресурслар ва элементлардан (курс тавсифи, форумлар, чатлар, якуний тестлар, топшириқлар ва ҳ.к.) иборат. У ҳамма вақт мавзу бўйича бўлимлардан юқорида жойлашади. Мавзу бўйича бўлим ўқув курсининг бир мавзусидан иборат. Мавзуларни ўрганиш кетма-кетлиги ўқитувчи томонидан белгиланади. Жорий бўлим рангдор ёзув билан ажратилади. Мавзу бўйича бўлим ўз сарлавҳасига эга бўлиб, ресурслар ва курс элементларидан иборат. Курсдаги ресурслар (веб-саҳифалар, файлларга ёки каталогларга йўналтирувчи маълумотлар (*ссылкалар*)) ва элементлар (маърузалар, суровномалар, тестлар, топшириқлар ва ҳ.к.) сони чекланмаган.

Курс ресурслари.

Курснинг ресурслари бир неча хил турда бўлиши мумкин. Улар мавзу бўйича материалларга йўналтирувчи маълумотлардан (*ссилкалардан*) таркиб топади. Курснинг асосий ресурслари:

- *URL-ссылка* (Веб-саҳифа)
- Пакет *IMS*
- Папка (Файллар каталогига ссылка)
- Саҳифа (Веб-саҳифа)
- Файл (бирон-бир ҳужжатга ссылка)

Moodle тизимида турли форматдаги файллар билан ишлаш мумкин: *MS Office (Word, PowerPoint ва бошқалар)* файллари, мультимедия файллари (видео, *flash ва бошқалар*). Курснинг саҳифасида ташқи веб-иловаларга йўналтирувчи ссилкалар ҳам учраши мумкин. Ўқитувчи ўз курси доирасида алоҳида веб-саҳифалар яратиши ҳам мумкин. Шунингдек, курсга *IMS Content Package* форматдаги ташқи электрон курсни экспорт қилиш имконияти ҳам бор.

Курс элементлари –бу интерактив модулар бўлиб, улар ёрдамида ўқитувчи ўз курсида ўқув жараёнини ташкиллаштиради (курс материалларини жойлаштиради, тест ўтказади, тингловчилар билан мулоқот қилади ва ҳ.к.). Тизим таркибида жуда кўп хилма-хил модулар мавжуд бўлиб, улар ихтиёрий турдаги курсларни яратишга имкон беради. Курсларнинг турлари қуйидагилар:

- *SCORM/AICC*
- *Wiki*
- Анкета (*Survey*)
- Маълумотлар базаси (*Database*)
- Глоссарий (*Glossary*)
- Топшириқлар (*Assignments*)
- Маърузалар (*Lesson*)

- Сўров (*Quiz*)
- Тест (*Choice*)
- Форум (*Forum*)
- Чат (*Chat*)

SCORM/AICC - бу курс элементларидан бири бўлиб, у ўқитувчига *SCORM* ёки *AICC* форматдаги ихтиёрий пакетни ўз курси таркибига киритишга имконият беради. Бу пакетлар таркибида веб-саҳифалар, графика, *Javascript* дастурлари кириши мумкин.

Wiki - «Wiki wiki» сўзлари гавай тилида “жуда тез” деган маънони англатади. *Wiki* тўғридан-тўғри браузер ойнасида оддий белгилаш тилида фойдаланувчилар ҳамкорликда ҳужжатлар ёзишига имконият беради. Ўқитувчилар ва тингловчилар ўз материалларини қўшиб қўйиши ва кейинчалик таҳрирлаши, *wiki*-ҳужжатнинг яратилиш тарихини кузатиб бориши мумкин.

Анкета - бу элемент ички анкеталардан (*COLLES, ATTLS*) иборат бўлиб, улар масофавий курсларда баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадларида ишлатилади.

Малумотлар базаси – ихтиёрий мавзулар бўйича ёзувлар банки. Ёзувларнинг тузилмаси ва форматига чекловлар деярли йўқ, улар тасвирлар, файллар, сонлар, матн кабилардан иборат бўлиши мумкин. Ёзувлар битталаб ёки рўйхат бўйича кўриб чиқилиши мумкин. Ёзувни қидириш учун форма мавжуд. Ўқитувчи *Малумотлар базаси* билан ишлашга турли хил чекловлар қўйиши мумкин, улар: кўриб чиқишга, ёзув қўшишга рухсат берилган муддатлар, ёзувларнинг мумкин бўлган энг катта ва энг кичик сони.

Глоссарий - курсда ишлатилаётган тушунчалар ва терминларнинг изоҳли электрон луғати. У курс учун уммумий ва ҳар бир мавзу бўйича алоҳида бўлиши мумкин. Ўқитувчи фойдаланувчиларга луғат устида ҳамкорликда иш олиб бориш учун *глоссарий*га мурожаат қилишга рухсат бериши мумкин. Тингловчиларнинг ёзувларини киритишдан олдин ўқитувчи уларни кўриб

чиқиши зарур. Ёзувлар бўйича қидирув бажарилиши мумкин. Ёзувлар алфавит бўйича, тоифалар бўйича, сана бўйича ёки муаллифлар бўйича тартиблаб кўриб чиқиш учун тақдим этилиши мумкин. Фойдаланувчи тушунча ёки термин бўйича ўз изоҳларини киритиши мумкин.

Топшириқлар. Фойдаланувчига 4 хил топшириқлар берилиши мумкин:

- жавоби бир неча файлларда бериладиган;
- жавоби матн шаклида;
- жавоби файл шаклида;
- жавоби сайтдан ташқари ҳолатда.

Топшириқлар ўқитувчи талабаларга кенгайтирилган жавоб тайёрлашни талаб этадиган вазифалар қўйишига хизмат қилади. Намунавий топшириқлар сифатида реферат тайёрлаш, лойиҳа тузиш, доклад тайёрлаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Топшириқни бажариш шартларини ўқитувчи белгилайди. Масалан, топшириқни бажаришга вақт бўйича чеклов қўйилиши мумкин. Ўқитувчи тингловчига жавобларни муддатдан ўтган бўлсаям юборишга рухсат бериши мумкин. Бундай ҳолда, ўқитувчига жавобларни кўриб чиқаётганда муддатидан кечикканлари ҳақида ахборот бериб турилади. Ўқитувчи жавобларни баҳолаб, қўйган баҳоларини ва изоҳларини ҳар бир тингловчига алоҳида ёки бир неча тингловчиларга умумий қилиб бир саҳифага ёзиб қўйиши мумкин.

Маърузалар ўқув материални қизиқарли ва қулай шаклда тақдим этади. Маъруза саҳифалар мажмуидан иборат. Ҳар бир саҳифа, одатда, тингловчи жавоб бериши зарур бўлган савол билан тугалланади. Жавобнинг тўғри ёки нотўғрилигига қараб тингловчи кейинги саҳифага ўтади ёки олдинги саҳифага қайтади. Тақдим этилаётган материал тузилмасига мувофиқ маъруза бўйича навигация оддий ёки мураккаброк бўлиши мумкин.

Сўров - Ўқитувчи савол билан биргаликда унинг жавобининг бир неча вариантларини ҳам беради. Сўров тингловчилар орасида бирон масала

бўйича овоз беришини ташкиллаштириш учун ишлатилади. У бирон муаммо бўйича тингловчиларнинг фикрини билиш учун хизмат қилади. Сўров ўтказиш муддатлари илгаридан белгилаб қўйилиши мумкин. Сўров тутагандвн сўнг унинг натижалари кўриш учун очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Сўров, шунингдек, тингловчиларни бирон бир параметр асосида гуруҳларга тақсимлаш учун ҳам ишлатиши мумкин.

Тестлар саволларнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда тузилади. Саволларнинг турлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- Тўғри/Нотўғри
- ичма-ич жавоблар (*Cloze*)
- Ҳисоблаб топиладиган жавоб
- Қисқа жавоб
- Кўп вариантли танлов
- Мосликни текшириш
- Сонли
- Эссе
- Тавсиф.

Тўғри/Нотўғри – тингловчи “Тўғри” ёки “Нотўғри” вариантлардан бирини танлаб жавоб беради.

Ичма-ич жавоблар (Cloze) – Бу усулда берилган тестда жавоблар савол матни ичига киритилган бўлади. Бундай саволга жавоб *қисқа жавоб, сонли жавоб ёки кўп вариантли танлов* шаклида берилиши мумкин.

Ҳисоблаб топиладиган жавоб. Берилган формула бўйича қиймат ҳисоблаб жавоб бериладиган тестлар. Формула ҳар сафарги тестда фақат сонли қийматлари ўзгартириладиган шаблондир.

Қисқа жавоб. Тест жавоби битта сўз ёки қисқа жумладан иборат бўлади. Тўғри жавобнинг турли вазнли бир неча вариантлари берилиши мумкин.

Кўп вариантли танлов. Тингловчи жавобнинг тақдим этилган вариантларидан бирини танлайди. Бундай тестлар икки хилда: тўғри жавоб битта ёки бир нечта бўлиши мумкин.

Мосликни текшириш. Саволлар рўйхати ва жавоблар рўйхати биргаликда берилиб, тингловчи ҳар бир саволга мос жавобни кўрсатиши керак.

Сонли жавоб. Бу хилдаги тестлар қисқа жавобли тестларга ўхшаш бўлиб, фарқи шундаки *сонли жавобда* тақрибий ҳисоблашлардаги хатоликлар инобатга олинади. Тингловчи жавоб бўлиши мумкин бўлган қийматларни ўз ичига олувчи узлуксиз диапазонни кўрсатиши мумкин.

Эссе. Ўқитувчи савол жавобини эссе (ёзма иш) шаклида ёзишни талаб қилиши мумкин. Бундай жавоб ўқитувчи томонидан текширилади ва баҳоланади.

Тавсиф. Бу тест матнига қўшимча бўлиб, қисқа йўриқнома, руқн номи ёки бошқа хил изоҳловчи ёки тушунтирувчи маълумотни ўз ичига олади.

Выберите тип вопроса для добавления	
☐ Верно/Неверно	Ответ на который на некоторых вопросах должен быть выбран только один вариант.
☐ Вскоженные ответы (Close)	
☐ Вычислительный	
☐ Краткий ответ	
☐ Многократный выбор	
☐ Многократный Вычислительный	
☒ На соответствие	
☐ Простой Вычислительный	
☐ Случайный вопрос на соответствие	
☐ Числовой ответ	
☐ Эссе	
☐ Описание	
Далее Отмена	

Выберите тип вопроса для добавления	
☐ Верно/Неверно	Более простая версия вычислительных вопросов, которые подразумевает вопросы, но с использованием чисел, выбраных из заранее определенного набора случайных образов при продолжении теста.
☐ Вскоженные ответы (Close)	
☐ Вычислительный	
☐ Краткий ответ	
☐ Многократный выбор	
☐ Многократный Вычислительный	
☐ На соответствие	
☒ Простой Вычислительный	
☐ Случайный вопрос на соответствие	
☐ Числовой ответ	
☐ Эссе	
☐ Описание	
Далее Отмена	

Выберите тип вопроса для добавления	
☐ Верно/Неверно	Вопрос подобен "Вопросу на соответствие", но содержит на выбор случайным образом выбранные "Короткий ответ" из той же или другой категории.
☐ Вскоженные ответы (Close)	
☐ Вычислительный	
☐ Краткий ответ	
☐ Многократный выбор	
☐ Многократный Вычислительный	
☐ На соответствие	
☒ Простой Вычислительный	
☐ Случайный вопрос на соответствие	
☐ Числовой ответ	
☐ Эссе	
☐ Описание	
Далее Отмена	

Выберите тип вопроса для добавления	
☐ Верно/Неверно	Позволяет оценивать числовой ответ, в том числе с единицами измерения, используя способы, в том числе с учетом погрешностей.
☐ Вскоженные ответы (Close)	
☐ Вычислительный	
☐ Краткий ответ	
☐ Многократный выбор	
☐ Многократный Вычислительный	
☐ На соответствие	
☐ Простой Вычислительный	
☐ Случайный вопрос на соответствие	
☒ Числовой ответ	
☐ Эссе	
☐ Описание	
Далее Отмена	

Выберите тип вопроса для добавления	
☐ Верно/Неверно	Допускает ответ из нескольких предложенных или образов. Должен быть оценен предоставленным ответом.
☐ Вскоженные ответы (Close)	
☐ Вычислительный	
☐ Краткий ответ	
☐ Многократный выбор	
☐ Многократный Вычислительный	
☐ На соответствие	
☐ Простой Вычислительный	
☐ Случайный вопрос на соответствие	
☐ Числовой ответ	
☒ Эссе	
☐ Описание	
Далее Отмена	

Выберите тип вопроса для добавления	
☐ Верно/Неверно	Это не самый лучший вопрос. Используется для добавления инструментов, рубрик или другой информации в тест, подобно появлению на странице курса.
☐ Вскоженные ответы (Close)	
☐ Вычислительный	
☐ Краткий ответ	
☐ Многократный выбор	
☐ Многократный Вычислительный	
☐ На соответствие	
☐ Простой Вычислительный	
☐ Случайный вопрос на соответствие	
☐ Числовой ответ	
☐ Эссе	
☒ Описание	
Далее Отмена	

Тест топширикларининг кўпчилиги автоматик тарзда баҳоланади. Ўқитувчи тест топширикларини бажаришга турли хил чекловлар қўйиши мумкин. Масалан, тест синовининг бошланиш ва тугаш вақти, тест топширишга икки уриниш орасидаги вақт, пароль илгаридан белгилаб қўйилиши мумкин. Ўқитувчи тест топширишга уринишларнинг мумкин бўлган сонини кўрсатиши, тест жавоби учун бир ёки бирданига барча тестларга умумлаштириб изоҳлар бериши мумкин. Тест топширишнинг жорий уринишида аввалги уринишларда берилган жавоб варианты ҳисобга

олиниши ҳам мумкин. Ўқитувчи тингловчиларнинг жавоб бериши ва унга сарфланаётган вақт ҳақида батафсил маълумот олишига имконият бор.

Форумлар турли хил тузилмага эга бўлиб, улар хабарларни баҳолашга имконият яратади. Форум хабарларининг кўриниши тўрт хил форматда бўлиши ва улар таркибида ички бириктирилган файллар ҳам бўлиши мумкин. Форумга янги аъзо бўлган катнашчи ўз электрон почтасига барча хабарларнинг нусхасини олади. Агар зарурият бўлса, ўқитувчи барча тингловчиларни мажбурий тарзда форумга аъзо сифатида ёзиб қўйиши мумкин.

Чат курс тингловчилари реал вақт режимида *on-line* мулоқот орқали муҳокамалар ўтказишига хизмат қилади. Бу усул тингловчилар ўқув материални қандай ўзлаштиргани ҳақида ахборот йиғишга жуда қулай. Мулоқотни кўриб бориш ва бошқаришнинг бир неча хил имкониятлари мавжуд.

6. Хулоса

- Кўп бериладиган саволлар

Кўп бериладиган саволлар

Нима учун мен кира олмаяпман?

Сабаблардан бири: сиз ўз паролингиз ёки логинни нотўғри киритаётган бўлишингиз мумкин. Логин ва паролни ёзаётганингизда сиз пастки ва/ёки юқори регистрни ишлатган бўлишингиз мумкин.

Қандай қилиб мен курсга кириш учун рухсат олишим мумкин?

Агар курсга кириш учун *код-сўз* ишлатилиши зарур бўлса, сизнинг ўқитувчингиз уни сизга юборади ва сиз мустақил равишда курсга ёзилишингиз мумкин. Агар курс мустақил ёзилиш учун ёпиқ бўлса, ўқитувчининг ўзи сизни курсга ёзиб қўйади.

Мен қайси курсларга ёзилганимни қандай билиш мумкин?

Сиз аъзо бўлган курслар рўйхати бош саҳифада *навигация* блогининг менинг курсларим бандида жойлашган.

Менинг саҳифамга қандай қилиб блоклар қўйиш мумкин?

Ўнг томондаги юқори бурчакда *«Бу саҳифани таҳрирлаш (Редактировать эту страницу)»* тугмасини босасиз. “Блоклар” дем номланган блок пайдо бўлади. Рўйхатдан керакли блок номини танлайсиз. *«Яшириш(Скрыть)»*, *«Йўқотиш(Удалить)»*, *«Настройки»* блокларидаги навигация тугмаларидан ва стрелкалардан фойдаланасиз. Жараённи тугатиш учун юқори ўнг бурчакда жойлашган *«Нормальный режим»* кнопкасини босинг.

Бош саҳифага қандай қилиб қайтилади?

Саҳифанинг юқори чап бурчагида жойлашган навигация панелидан фойдаланасиз ёки энг пастда жойлашган *«Уйга(Домой)»* кнопкани босасиз.

Ўзим ҳақимдаги маълумотларни қандай ўзгартирсам бўлади?

Саҳифанинг чап қисмида *«Настройки»* блоги бор. Унинг *«Менинг профилим настройкаси(Настройки моего профиля)»* бўлимида *«Маълумотларни таҳрирлаш(Редактировать информацию)»* ёзувини танлаб, сиз шахсий маълумотларни таҳрирлаш саҳифасига тушасиз.

Нима учун менинг e-mail манзилимга форумдан хабарлар келиб тушмаяпти?

Форумдаги хабарларнинг нусхаларини олиш учун биринчи навбатда форумга ёзилиш еекрак. Экраннинг юқори қисмида *«Бу форумда ҳар бир қатнашчи унга ёзилиш ёки ёзилмасликни танлаши мумкин (В этом форуме каждый участник может выбрать, подписываться на него или нет)»* деган изоҳ бор. Сиз *«Форумга ёзилиш(Подписаться на форум)»*ни танланг. Форум хабарлари сизга жўнатилишини бекор қилиш учун *«Ёзилишни бекор қилиш(Аннулировать подписку)»* тугмасини босинг.

Ўз баҳоларимни қандай кўришим мумкин?

Ўз баҳоларингизни кўриш учун керакли курсга кириш, “Настройки” блогида *«Баҳолар(Оценки)»*ни танланг. Сиз ушбу курс бўйича ҳисобот

оласиз. Агар сиз бошқа курсларга ҳам ёзилган бўлиб, улар бўйича баҳоларингизни кўрмоқчи бўлсангиз, у ҳолда «Иш-ҳаракатни танланг(Выбрать действие...)» менюдаги «Курслар бўйича ҳисобот(Отчет по курсам)» бандни танлайсиз.